



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МILLIY KUTUB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил

9 май
ШАНБА

№ 37
(12.152)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Вилоят ҳокимлигида

ҲАММАСИ ЎЗ ФАРЗАНДАРИМИЗ УЧУН

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича вилоят доимий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда доимий комиссия аъзолари, ҳокимликнинг тегишли бўлим, бошқарма ва ташкилотлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳудудий тиббёт бирлашмалари раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.

Кун тартибидagi бош масала юзасидан сўзга чиққан вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Муҳайё Тулаганова йиғилганлар эътиборини ўтган йилги мавсум якунлари ва навбатдаги вазифалар ижросининг таҳлилига қаратди.

Таъкидланганидек, ўтган мавсум вилоятдаги жами 115 та оромгоҳ, шу жумладан, 13 та шаҳардан ташқари болалар соғломлаштириш масканларида 24 минг 692 нафар бола ёзни кунгилли ўтказди. Улар учун барча шарт-шароитларни бекаму кўст яратиб беришга ҳаракат қилинди. Лекин, шунга қарамай, баъзи камчилик ва муаммолар ҳам қайд этилдики, бу оромгоҳларни мавсумга тайёрлашда айрим хўжалик идоралари ва касаба уюшмаларининг масъулиятсизлиги, масалага юзак ёндошганлигидан далолат беради. Айниқса, бундай ҳолларнинг сулим ва хушхаво гушалардаги оромгоҳларда учраётгани ачинарлидир. Хусусан, ўтган мавсум ўтказилган текширувларда "Койинот", "Кимёгар" оромгоҳлари ошхонаси, "Йўлчи" оромгоҳининг сузиш хавзаси санитария талабларига

жавоб бермаслиги аниқланди. Бунга ўхшаш ҳолатлар "Сумча", "Сўғдиёна-Сойлик", "Еш цементчи" оромгоҳларида ҳам кузатилди.

Йиғилишда мазкур камчиликларни тамоман бартараф этиш, оромгоҳларни таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини шу кунларда тўлиқ якунлаш лозимлиги қайд этилиб, мутасаддиларга аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Комиссия аъзолари ёзги соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энергия, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш, болаларнинг сифатли овқатланиш тизимини тўғри йўлга қўйиш, тез тиббий ёрдам даражасини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Мавсумда тарбиячилардан тортиб, корхона ва муассасалар раҳбарлари олдида масъулиятли вазифалар турганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, болалар оромгоҳларида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Йиғилишда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетида фаолият юритаётган Ўзбекистон-Корея Ахборот технологиялари маркази мамлакатларимиз ўртасида бу йўналишдаги ҳамкорлик жадал тараққий этаётганига бир мисолдир.

2005 йилдан фаолият кўрсатиб келаётган мазкур марказ ахборот технологиялари соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш ва соҳада халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Марказнинг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазифаларини ўзида муассас этган. Ўқув жараёнини ташкил этиш учун замонавий компьютерлар, тармок хизматлари, маъруза, семинар, кўргазма ва амалий машғулотлар хоналари мавжуд. Бу ерда талабалар компьютер бошқаруви бўйича билим ва кўникмаларини ошириш имконига эга.

Марказда малака оширган ўнга яқин талаба ҳар йили танлов асосида Жанубий Кореянинг нуфузли олий ўқув юрларида тахсил олади. Буларнинг барчаси талабалар били-

мини янада мустаҳкамлашга, ўзаро таъриба алмашишга хизмат қилаётди.

Қайд этиш жоизки, мазкур марказ Тошкент ахборот технологиялари университети билан Жанубий Кореядаги олий таълим муассасалари билан алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айни пайтда ушбу университет билан Сеул, Хосею, Яонган каби йирик олий ўқув юрлари ўртасида алоқа йўлга қўйилган. Бунинг натижаси ўларок, Тошкент ахборот технологиялари университетида "Интернет Плаза" ахборот технологиялари маркази очилди. У замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган синфхона, юқори тезликдаги интернет ва конференция залларини ўз ичига олади.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА муҳбири.



Бугун – Хотира ва қадрлаш куни



«Ягонасан, муқаддас Ватан!»

Она алласи қалбимизга Ватан меҳрини солади. Бу меҳр вақт ўтгани, кўксимизда улғайиб боради. Уни қўшиқ қилиб, куйга соламыз. Дилдан қуйланган қўшиқ эса, кишини эзгу амалларга бошлайди. Зеро, энг гўзал ва дилбар қўшиқлар Ватанимиз мадҳ этгувчи наволардир. Улар юртини севишга,

янги бунёдкорлик ишларига илҳомлантиради. Шу боис, Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарори мазмунан тегис, янада гўзал ва етук қўшиқлар яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

ОНА ЮРТНИ МАДХ ЭТИШ САОДАТИ

– Ушбу танловнинг энг муҳим жиҳати шундаки, иштирокчиларнинг ёши ҳам, айтиладиган қўшиқ жанри ҳам чекланмаган, – дейди Ўзбекистон халқ ҳофизси Улмас Саиджонов. – Энг асосийси, Ватан ҳақида теран, мукамал қўшиқ яратиш. Бунда уч кишининг – шоир, бастакор ва хонанданинг маҳорати ҳисобга олинади, ғолибларга берилажак мукофот ҳам уч кишига тенг тақсимланади. Чунки шеър, мусиқа ва овоз бир-бирига уйғунлашгандагина тингловчига завқ бағишлайди. Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Фаттохон Мамадалиев, Ориф Алимажумов, Саодат Қобулова каби устоз санъаткорларимиз ижро этган ашулаларни тинглаб, ҳузур қиламиз. Бунинг сабаби нимада? Чунки бу асарларда бирин-

чи навбатда ғазалнинг маъноси англашиб, унга мос мусиқа басталанган ва моҳирона ижро этилган. Танловдан қўзланган мақсад ҳам Ватан ҳақида яратилаётган куй-қўшиқларнинг мукамаллигини таъминлашдир. Бу бежиз эмас. Бугунги кунда ёшларимиз орасида мумтоз қўшиқларни айтидиганлар кўпаймоқда. Бу яхши, албатта. Санъат оламига қириб келаятган ёшлар орасида мумтоз қўшиқни маҳорат билан ижро этаётганлар билан фахрланамиз. Лекин ҳаваскор хонандалар орасида ҳам "шоирлик", ҳам "бастакорлик"ни даъво қилаётганлар учраб турибди. Оқибатда баъзи қўшиқларда куйларнинг аралашмаси ва матннинг саёзлашиши кузатилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг қарорида

ор-номус, кадр-киммат, гурур ва ифтихор туйғуларини тараннум этилган юсак савиядаги қўшиқларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланган. Демак, юрагида Ватан ишқи ёнаётган ҳар бир хонанда баҳор чакмоқларидек "ялғ" этиб ёниб, тез унутиладиган ўнга қўшиқ ўрнига қийматини ҳеч қачон йўқотмай диган бутта, умрбоқий қўшиқ яратиш, элимизга хавола этса, бунинг завқи ўзгача. Чунки халқимиз тақлидчиларни эмас, чи-накам истеъоддорларни қадрлайди, уларга қулоқ тутади.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ана шундай умрбоқий қўшиқлар яратилишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз. Ватан ишқида куйлаш эса санъаткор учун олий саодатдир.

ЎЗА.

ФЕРМЕРГА СУҒУРТА ТОВОНИ ТЎЛАНДИ

Мамлакатимизда суғурта тизими тобора ривож топаётган истиқболли соҳалардан ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2007 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматларининг кўлами ва сифати ошмоқда.

Хозирги вақтда мамлакатимизда ўттизга яқин суғурта компанияси фаолият юритмоқда. «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси улар орасида алоҳида ўрин тутади. Компания ўзининг кенг тармоқли ҳудудий бўлиналари ва агентлик тизимига эга бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорақ якунларида кўра, тузилган суғурта шартномалари, йиғилган бадаллар ҳамда суғурта тўловларини амалга ошириш борасида юртимиз суғурта бозорига етакчилик қилмоқда.

Хозир компания юзлаб суғурта тури бўйича хизмат кўрсатмоқда. Корхона, ташкилотлар ва аҳоли мулкчи, транспорт воситаларини суғурталаш, ихтиёр-тиббий суғурталаш, транспорт воситаларни эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шулар жумласидандир. Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларининг (пахта, галла) бўлғуси ҳолини суғурталаш компанияси фаолиятининг муҳим жиҳатларидандир. Компания экинларнинг турли табиий офатлар: зараркунандалар ва касалликлар оқибатида нобуд бўлиши натижасида қириққан қишлоқ хўжалик экинларида қишлоқ фермерларга яқин кўмакдош бўлаётди.

Компаниядан маълум қилишларича, Тошкент вилоятида шу йил бир

неча марта ёққан дўл натижасида фермерларнинг зарар кўрган бог ва узумзорлари учун суғурта товони тўланди.

«Ўзагросуғурта» томонидан, ҳосил суғуртасидан ташқари, тижорат банклари томонидан галла ва пахта етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредит маблағлари қайтарилишини суғурталаш ишлари ҳам олиб боришмоқда. Тўланаётган суғурта товонлари қарздорларнинг мажбурийятларини ўз вақтида бажарилишига кўмаклашмоқда. Бу эса банк миқозлари ва кредит олувчиларни тўлиқ суғурта ҳимоясига олиш ва кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишини таъминлашда қўл келаятир.

– Суғурта компанияси билан доимий алоқа ўрнатганми, – дейди «Турсуной Хурилко» фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Тиллабоев. – Қишлоқимиз тоғ бағрида жойлашгани боис деҳқончилик ишларида эҳтиёт-чорасини қўриш катта аҳамиятга эга. Чигит экилган жойларда дўл ёғиши ёки сел келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Суғурта компанияси билан шартнома тузиш бундай ҳолатларда молиявий ҳолатимизни тиклашимизга хизмат қилади. Ўтган йили табиий офатдан анча зарар кўрдик. Ҳосил кам бўлгани учун банкдан олинган кредитларни қайтаришимизда

ХАЛҚИМИЗГА ХОС АЗАЛИЙ ҲАҚИҚАТ

Бугун қуёш ҳар кунгидан кўра чарақлаб чиқди. Кетма-кет ёққан ёмғирлардан яшнаган майсаю, ўт-ўлан-зор назаримизда қуёш нуридан янада кучга тўлаётгандек. Инсон хотираси ҳам худди қуёш нури каби қалбларга илиқлик бахш этади. Бугун юртимизда ардоқли байрам, 9 май – Хотира ва қадрлаш куни.

«Хотира деганда биз бу фаний дунёдан ўтган аجدларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз, – деб таъкидлаган эди Юрбошимиз Ислам Каримов. – Бу халқимизга хос азалий ғазалдир. Қадрлаш дегани бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлигини ва истиқлолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижоат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга ололмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир».

Вилоят Маънавият ва маърифат маркази байрамона безатилган. Теварак-атрофда анвойи гуллар кўтарган ёш йигит-қизларнинг юз-кўзларида қувонч.

Шу пайт ҳовлига кириб келган автобуслардан вилоятимизнинг турли туманларидан ташриф буюрган уруш ва меҳнат фахрийлари бирин-кетин туша бошладилар. Ёшлар улар истикболга шошилдилар. Чор-атрофни майин куй-қўшиқ садолари тўтиб кетди. Бу манзарани четдан туриб кузатаётган ҳар қандай кишининг юраги энтиқиб кетиши турган гап. Бугунги шоду хуррам кунларга етишимизга катта ҳисса қўшган бу мўътабар инсонлар олдида ҳар қанча таъзим қилсак арзийди. Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросим шундай кайфиятда бошланди.

(Давоми 2-бетда).

ҲАМИША БАРҲАЁТ ТУЙҒУ

Янгийўл тумани халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 44-умумтаълим мактабиди 150 нафар фахрий педагоглар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари иштирокида байрам тадбири ўтказди.

Меҳмонларга халқ таълими бўлими, туман Қизил ярим ой жамоияти ва бошқа жамоат ташкилотларининг совғалари топширилди.

Шунингдек, Зангиота туманидаги 25-умумтаълим мактабиди ҳам Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбир уюштирилиб, уруш қатнашчилари байрам совғалари билан тақдирланди.

Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

ҲАР АСАРНИНГ ЭҒАСИ БОР

«Ўзбекино» миллий агентлигида Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонуни ижроси бўйича «Аудиовизуал асарлардан фойдаланишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда республика Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги,

Давлат солиқ қўмитаси, агентлик тасарруфидидаги Тошкент шаҳри ва вилоят корхоналари вакилла-

ри, ҳуқуқшунослар, кино арбоблари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Семинарда кино-видео махсулотларини намоиш этиш, тарқатиш соҳасидаги вазифа ва муаммолар, муаллифлик ва турдош

ҳуқуқларнинг аҳамияти, соҳада қонунийликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар самарасини ошириш хусусида сўз борди. Муаллифлик ҳуқуқи белгилаб берилган меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя этиш, давлат манфаатларини

четлаб ўтишга ҳаракат қилинган кино-видео махсулотларни тарқатишга чек қўйиш, бунинг учун барча жамоат ташкилотлари биргаликда ҳаракат қилишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Сайёра РИХСИЕВА.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси.

ҚАДР БИЛМАК АСЛИДА – ВАТАН, ВАТАННИНГ МАЪНОСИ БОҚИЙ ХОТИРА

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Бирор иш билан Тошкентга кетаётганимда Оққўрғон – Тошкент йўли четида ўрнатилган "Ўртачирчиқ туман Чангтепа кишлоғи Мирхалил ота номидаги фахрийлар боғи" деган ёзувга кўзим тушади. Боғ ичидаги шахидлар номи битилган лавҳа унга алоҳида кўрк бағишлаб туради.

Яқинда институтда бирга ўқиган курсдошим, чангтепалик Тошпўлат Холматов хонадониди бўлдим. Сўхбат асносида Мирхалил Маликов номидаги "Фахрийлар боғи" тарихи ҳақида сўрадим:

– Юринг, уйлариға боғрайлик, – деди дўстим.

– Боғнинг яратилиш тарихини ўзлари сўзлаб бера қолсинлар.

Дарвоза олдида бизни кенжа ўғил Валижон қарши олди.

– Ота! – деди Валижон бизни уйга таклиф этар экан, – меҳмонлар келишиди. Бири ўзимизнинг Тошпўлат ака, яна бирлари Олимжондан келибди.

– Тиллабек билан институтда бирга ўқиганимиз – дея тушунтирди курсдошим. – Сиз ташкил қилган боғнинг тарихи тингладик.

– Ҳамқишлоғим Турғун Нурдоев билан Россияга бориб, отам қабрини зиярат қилдик. Сафардан қайтгач, "Фахрийлар боғи"ни яратиш фикри туғилди ва кишлоғимизда яқинидаги ташландиқ тепалик ёдига тушди.

Ниятим қатъий бўлгани учун бир кун эрталаб тепаликни айланиб кўрдим. Орқа томонга ҳар

хил ортиқча ўғитлар, чиқиндилар тўкилган. Шу ерни ободонлаштириш ҳақида хўжалик раҳбарларига айтдим. Тўйтепага бориб, ҳокимга қаровсиз тепаликни текислаб, боғ яратиш ва урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқларимга ёдгорлик ўрнатиш мақсади борлигини айтдим. Ҳокимнинг чеҳраси ёришиб: "Мирхалил ота! Сиздек оқсоқол ташаббус кўтариб чиқса, биз қўл қовуштириб ўтираемизми? Нима ёрдам керак бўлса, ҳеч тортинмай айтаверинг. Қўлимиздан келганча ёрдамлашамиз", деди.

Тепалик Оҳангарон дарёси соҳили томон суриб, текисланди. Чоракам бир гектар ер ободига ҳайдалди. Режа-лаб олма, ўрик, олча, шафтоли, ёнғоқ ва бошқа мева дарахтлар ўтказдик. Боғнинг ўртасига Навоий номли ширкат хўжалигидан урушга кетиб, ҳалок бўлган 56 нафар жангчининг исм-фамилиялари ёзилган мармар тошлардан мўъжазгина ёдгорлик ўрнатдик.

Халқимизда "Яхшидан боғ қолади" деган нақл бор. Мирхалил отадек фахрийларимизнинг эзгу ва хайрли ишлари ёш авлодга ҳамиша ибрат бўлиб қолаверади.

Тиллабек
МИРЗААХМЕДОВ,
меҳнат фахрийси.



ХАЛҚИМИЗГА ХОС АЗАЛИЙ ҲАҚИҚАТ

Тадбирни "Нуроний" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Нўмон Насимов очди. Вилоят йиғилиши 9 май – Хотира ва қадрлаш кўни билан самимий табриклади.

– Бу байрам юртимизда ҳар йили алоҳида эҳтиром ва зўр тантана билан нишонланади, – деди Рустам Холматов. – Чунки инсон хотираси азиздир. Қолаверса, ўтганларни эслаш, кексаларни улуғлаш, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Президентимиз Ислам Каримовнинг яқинда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ҳурмат ва эҳтиром билан

чиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ишларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

– Бугун ажойиб кеча, дийдор давраси, – деди Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир фахрийларни кўтлар экан. – Сизнинг меҳрингиз, жасоратингиз ёшларни ҳалол, сабр-тоқат, меҳр-оқибат билан яшашга қўлайди. Сизлар ҳар доим эътибор ва эъзозга лойиқсиз.

Бекободлик Надарбек Махидов урушга қақирилганда энди 18 ёшга тулган навқирон йигит эди. 5 йил оловли жанглар ичида бўлди. Сталинград,

Курск, Берлин жангларида иштирок этди. Урушни тугатиб қайтгач, Бекобод металлургия завоидига ишга кирди. Бугун отахон учун кўшалок байрам – у 87 ёшга кириб кетди. Ҳамон тетик, бақувват.

– Менинг ҳаётим завод билан чамбарчас боғлиқ, – деди Надарбек ота. – Салкам 50 йил шу корхонада меҳнат қилдим. Илоҳим юртимиз тинч бўлсин, биз уруш кўрдик, сизлар асло кўрмангиз.

– Бугунги байрам биз кексалар учун, айниқса, азиз, – деди Ангрен шаҳридан келган Ўктам ота Дўстматов. – Бу кўнларга етганлар бор, етганларнинг умри

узок, ўтганларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Тантанали маросимда Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юрдошларимиз руҳи покларига бағишлаб тилловат қилинди. Дастурхон атрофида жам бўлган уруш ва меҳнат фахрийларига "Нуроний" хайрия жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг совғасаломлари улашилди.

Ўлугбек ҲАМРОКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

СУРАТАЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Даврон АХМАД
олган суратлар.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейида Хотира ва қадрлаш кўнига бағишлаб ўтказилган учрашувда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, ҳарбийлар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эҳтиром кўрсатиш ва саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 апрелда қабул қилган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бу хайрли ишларнинг яна бир амалий ифодасидир.

Иштирокчилар музейнинг экспозициялар залидаги Иккинчи жаҳон уруши йилларига оид фотосуратлар, ҳарбий либос, техни-

ка ва қурол-аслаҳалар билан танишдилар. Уруш қатнашчилари – И. Жучков, В. Лисов ва бошқалар ёшларга уруш йиллари хотиралари, бугунги тинч ва осойишта кўнларнинг қадри, эл-юрт ҳавфсизлиги ва тараққиёти учун хизмат қилиш шарафли бурч экани ҳақида сўзлаб бердилар.

Учрашув доирасида ташкил этилган кўргазмада Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Бадий академия ижодий уюشمаси аъзоларининг юртимиз табияти, тарихий ёдгорликлари, ҳарбийлар ҳаёти акс этган ижодий ишлари намойиш этилди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА муҳбири.

Дил изҳори

ШИФОКОРДАН МИННАТДОРМАН

Мен меҳнат фахрийси-ман. Ёшим етмиш бирда. Деярли 50 йилдан бери доимо ҳаракатда бўлган учун жисмонан соғлом ва тетикман. Соғлигимдан ҳеч қачон шикоят қилмаганман.

Лекин шу баҳор бошларида кўзимга ўсимта чиқиб, анча азийат қечдим. Дастлабки муолажалар қутилган натижани бермади. Шунда танишларимдан бири республика Офтальмология клиникасига мурожаат этишни маслаҳат берди.

Дарҳақиқат, бу ерда мен дарддан тезгина ҳалос бўлдим. Малакали кўз жароҳи Дилдора Ваҳובה замонавий усуллар билан ёрдамда тез ва соф операция ўтказди. Ҳеч қандай оғриқни, нукулайликни сезмадим. Шифокор маҳорати, тиббиётимиз салоҳиятига таҳсинлар айтдим.

Севимли газетамиз – "Тошкент ҳақиқати" орқали республика кўз жароҳликлари шифохонаси жамоасига, бу ерда меҳнат қилаётган Дилдора Ваҳובה ва каби ҳалоскорларга миннатдорчилик билдиришни истайман. Уйлайманки, бу билан шу даргоҳдан мен сингари кўзлари нурга, қалблари сурурга тўлиб қайтган қанчадан қанча инсонларнинг дил изҳорини ифода этган бўламан.

Абдумалик БҮРИЕВ,
Ўртачирчиқ тумани,
Корасув кишлоғи.



Шундайлар бор бўлсин

МИРЗА ОТА ҚАРИМАЙДИ

Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг бошларида Эркин кишлоғида уруш ва меҳнат фахрийларини парҳез гушт ва туҳум билан таъминлаб турадиган

паррандачилик хўжалиги иш бошлагани муносабати билан катта йиғин бўлди. Ҳамма хурсанд. Айниқса, кексаларнинг қувончи чексиз.

– Шу жуссада филнинг кучи бор экан бу одамнинг, – деб қолди қариялардан бири.

– Тўғри айтдингиз, – деди иккинчиси. – Қуш тинади-ю, у тинмайди. Тонг саҳар идорасида бир муддат қўриниш беради-ю кейин кишлоғу маҳаллалари кезгани-кезган. Уруш ва меҳнат фахрийси борки, ҳолидан хабар олишга ҳаракат қилади. Ёлғиз қарияларни-ку, кунда бир кўрмаса, кўнгли жойига тушмайди.

Кексаларнинг гурунгини тинглаб, гап ким ҳақида бораётганини дарров фахримиз. Ҳа, бу чоллар жуда зийрак, ҳар нарсадан хабардор. Байрамларда дастурхоннинг тўри, совға-саломнинг зўри шуларники. Мана энди энг гажув кишлоқлардан бири – Эркинда асосан улар учун хизмат қилаётган паррандачилик хўжалиги ташкил этилди. Шу боис бу ишларга бош-қош бўлган "Нуроний" хайрия жамғармаси Сангиота туман кенгаши раиси, "Шуҳрат" медалли совриндори Мирза Аҳмедовни алқашаяпти.

Бу киши ҳақида сўз очилганда, фахрийларнинг юзи ёришиб, тилидан бол томиши беҳиз эмас. Мирза отани мен ҳам эсимни таниганимдан бери биламан. Шу кўнларда ҳам эрталаб автобус бекатида турганига тез-тез кўзим тушади. 75 ёшга кириб кетган бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимади. Тумандаги уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб туриш унинг ҳар кўнги вазифаси. Аммо бу билан қаноатланиб, хотиржам туролмайди. Илгаридан одамларга яхшилик қилиш, керак бўлса қўлидан келганча ёрдам беришга одатланган.

– Болалик, ёшлик даврларим кийинчилик пайтларига тўғри келган, – дейди Мирза ота. – Бир ёкда уруш, иккинчи томонда турмушдаги етишмовчиликлар... Ҳаёт оғирликлари тинимсиз иттилишга мажбур қиларди.

Ҳа, у турмуш ташвишлари олдида қўл қовуштириб ўтирмади. Интилди, изланди. 7-синфини тугатиб, педагогика билим юртида ўқиди. Мактабнинг бошланғич синфларида дарс бериб, тахриба орттирди. Ўқитувчилик қилиш билан бир вақтда ўша пайтдаги Олий педагогика институтининг филология факультетини битириб олди. Бу билан ҳам қаноатланмай, ишлаш асносида Кишлоқ хўжалик институтини тамом-

лаб, яна битта мутахассисликни эгаллади. Жон қойи-тиб қилган шу савий-ҳаракатлари, эринмай олган билимлари кейинчалик туман халқ таълими бўлими ва бошқа масъул идоралардаги иш фаолиятида асқотди, одамлар орасида ташкилотчи раҳбар, ҳалол, пок инсон сифатида танилиб, обрў-эътибор қозонишда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтди.

Кексалар ибратиди гап кўп. Улар бошлайдиган ҳар қандай иш беиз кетмайди, осон битади. Шу боис, ота бошлиқ туман нуронийлари ҳақида эзгу ташаббуслар билан чиқадилар. Ҳудди шундай савий-ҳаракатлар натижаси ўларок, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотираси учун туманда алоҳида музей ташкил этилди.

Ҳар йили тумандаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида туман фахрийлари алоҳида жонбозлик кўрсатадилар. Бу йил ҳам шундай бўлди. Оталар насихати, йўл-ўйриғи ва шахсий намунаси билан туман кифоиси тобора кўркамлашмоқда, йўллар таъмирланиб, янги боғлар, гулзорлар кўзни қамаштираяпти.

Кексаликда ардоқда яшаш



тенгсиз бахт. Мирза ота Аҳмедов чинакам саодатманд инсонлардан. Ҳаваас қилгулик оила соҳиб. Фарзандлари эл-юрт хизматида камарбаста. Илгирма тўрт набира, бешта эвара баркамол воёга етгати.

– Юрт кексаларига кўрсатилаётган ҳечқиз хурмат, эътибор, амалий ғамхўрликлар учун, аввало, Юртбошимиздан, ҳукуматимиздан миннатдоримиз, – дейди Мирза ота. – Қолаверса, турли тадбирларда, айниқса байрамларда қарияларимизга иззат-икром кўрсатиб, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган ҳомийларимиз бор экан, миллатимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик каби инсоний фазилатлар бардавом бўлиб қолаверади.

Исмаи САРИМОВ.

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитасининг
Тошкент вилояти бўйича
Давлат архитектура-қурилиш
назорати инспекцияси
жамоаси**

Хотира ва қадрлаш кўни

муносабати билан

юртимиз фахрийларига, уруш қатнашчиларига

узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайди.

Дунёда тинчлик, тотувлик,

ҳамжиҳатлик барқарор бўлсин!

Мустақил юртимизга ярашган байрамлар,

тўй-тантаналар ва шодиёналар давом этаверсин!

Фахрийларимиз дуоси хайрли

мақсадларимизга қанот бағишласин!

Спорт Спорт

**"ПАХТАКОР"НИНГ
ЯНА БИР ҒАЛАБАСИ**

Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси бешинчи тур учрашувида ўз майдонида "Ал-Аҳли" (Бирлашган Араб Амирликлари) футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Аслида пахтакорчилар кейинги босқичга чиқиш масаласини аввалги турда ҳал қилган бўлса-да, гуруҳ баҳсларида биринчи ўринни эгаллаш учун бу галги учрашувда ҳам ғалаба қозониш лозим эди. Чунки Осиё футбол конфедерацияси қарорига кўра, чорак финал учрашуви битта ўйиндан иборат бўлади ва ўз гуруҳида пешқадамликни қўлга киритган жамоалар плей-оффнинг биринчи ўйинини ўз юртида ўтказиши.

"Пахтакор" футболчилари ўйинда рақиб жамоадан ҳар томонлама устунлигини исботлади. Ҳисоб ўттиз тўққизинчи дақиқада очилди. Станислав Андреев томонидан оширилган тўпни Зайниддин Тоҳиев боши билан дарвоза тўрига жойлади. Бу моҳир ҳужумчизнинг Осиё чемпионлар лигасидаги ўн иккинчи голи бўлди. Зайниддин бу кўрсаткич билан мусобақа тарихидаги энг зўр тўпурарлар – "Бунёдкор" ҳужумчиси Анвар Солиев ва Жанубий Корея вакиллари – Ан Чжун Хан ҳамда Ким До Хун қаторидан жой олди.

Ўйиннинг иккинчи ярми ҳам ҳамюртларимиз устунлигида ўтди. Айниқса, жамоа сардори Одил Аҳмедов, дарвозабон Игнатий Нестеров ва заҳирадан майдонга тушган Александр Гейрихнинг ўйини муҳлису мутахассисларга манзур бўлди. А. Гейрих беллашувнинг эллик саккизинчи дақиқасида меҳмонлар дарвозасига иккинчи голни киритди ва мазкур учрашувнинг "энг яхши ўйинчиси", деб топилди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда пахтакорчиларнинг асосий рақобатчиси – Саудия Арабистонининг "Ал-Хилол" жамоаси сафар учрашувида "Саба-Баттери" (Эрон) футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Энди "Пахтакор" 20 май кунги ўтказиладиган сўнгги тур учрашувида "Ал-Хилол" меҳмони бўлади. Мазкур ўйин биринчи ўрин тақдирини ҳал қилади. Ҳамюртларимизга пешқадамлик мавқеини сақлаб қолиш учун дуранг натижа ҳам қийин.

Зоҳир ТОШХҲУЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

**КУРАШЧИЛАР
АНЪАНАГА СОДИҚ**

Паркент шаҳрида Хотира ва қадрлаш кунини олдиндан аънавий кураш байрами ўтказилди. Унда қўшни мамлакат спортчилари ҳам иштирок этдилар.

Кези келганда таъкидлаш кераки, Юртбошимизнинг саёй-ҳаракати билан миллий кураш жаҳон майдонига чиқди. Вақт ўтиши билан Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлардан машҳур полвонлар етишиб чиқди. Аҳмад Полвоннинг шогирди Тожи Аълоев, Асқар Полвон Отабоев, Маҳкам Полвон Ўсупов, Али Полвон Мирзакаримов, Ўш шаҳридан Дехқон Полвон, Сайрамдан Шонийез Полвон, Туркменистондан Худойберди Полвон, Хўжадан Наби Полвон шулар жумласидандир. Уларнинг аксарияти ҳозирги устоз-

мураббийлари, хизмат кўрсатган спорт усталари Бахтиёр Хайдаров, Бурхон Олимов, Неймат Тўйчиев, Носир Азизов, Баҳодир Назиров, Рустам Исоқов миллий курашимизни дунёга танитишда куч-ғайратларини аямай, халқ полвонларини қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Полвонларимиз бу йил ҳам Паркентда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Улар ҳомийларнинг қимматбаҳо мукофотларига сазовор бўлдилар.

Саид ВАЛИЕВ,
спорт фахрийси,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

**"МЕТАЛЛУРГ"
ФАХРИЙЛАРИ ПЕШҚАДАМ**

Футбол бўйича фахрийлар ўртасида ўтказиладиган виллоят биринчилиги қизгин паллага кирди.

Турнирда Бекободнинг "Металлург" фахрийлар жамоаси бошқа клубларга қараганда фаолроқ қатнашмоқда. Укам Тўракулов мураббийлигидаги фахрий футболчилар ўйиндан ўйинга "очилиб" боришмоқда.

Улар ўтган икки турда

оққўрғонлик ва ўртачирчилик фахрийларини йирик – 6:0 ҳисобида енгишди. Ҳозир учрашувдан 9 очко жамғарган "Металлург" фахрийлари турнир жадвалида яқка пешқадам бўлиб туришди.

Ашурли БОЙМУРОДОВ.

Рассом хандаси

Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси Темура аканинг қизиқ феъли бор эди. Ҳеч синфда дарс ўтмасди. Кишда гулпилаб қор ёғиб турганда ҳам каттагина ўйингоҳимизга олиб чиқиб, "Душманнинг байроғини қўлга киритиш" ўйинини ўйнашга мажбур қиларди. Ўзи урушда қатнашган-да. Оғир контузияга учраган. Қулоқлари яхши эшитмайди. Гапирсангиз, оғзини очиб, кафтини бир қулоғи орқасига қўйиб эшитди. Аммо, қирқларга борган бўлса ҳам шундай бақувватки...

Турниқда мурақаб машқларини енгилгина бажаришни кўриб, оғзингиз очилиб қолади. Волейбол, баскетбол, футбол дарсларида бизга қўшилиб, баравар ўйнардик. Дарсдан ташқари пайтларда ҳам уни доимо юқори синф ўқувчилари орасида кўрадик. "Темура деганларича борсан" дейишарди бошқа ўқитувчилар. Чунки, улар тинса тинардикки, Темура ака тинмасди. Мактаб раҳбарлари билан таллашиб-тортишишларига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Ҳа, раҳбарлар қилмаган ишни шу жисмоний тарбия ўқитувчиси эпларди. Мактабимиз ўқувчилари дарсларини ўзлаштириш жиҳатидан ном таратмаси-да, туман спартакиадаларида спортнинг қўлгана турларидан совринли ўринларини эгалларди. Бу совринларни Темура ака жон куйидириб тайёрлаган ўқувчилар олиб беради. Туман тарма жамоалари сафида мактабимиз вакиллари оз эмасди. Мен ҳам ўшаларнинг бири бўлганмиз ҳали-ҳануз фахрланаман.

Ҳали айтганимдай, у юқори синф ўқувчилари учун ўқитувчи эмас, гўё дўстдек эди. Дарс, машқ ва мактабдан ташқари тадбирларда бизга қўшилиб, ўқувчига айланиб кетарди. Қўлларининг бирида дарс турғили билан Темура ака мени ёнига чакирди.

– Эртага яқшанба, – деди негадир кўзини мен-

дан олиб қочи. – Бизникига келсанг. Қўлулпайнинг чопиғи ўтиб кетаяпти. Янганг оғирроқ. Мени эса, билсан, чопиш у ёқда турсин, кетмонни тўғри ушлашни ҳам эпловмайман.

"Хўп" дедим-у, ўйланиб қолдим. Темура аканинг бунақа одати йўқ эди-ку? Бошқаларга ўшаб ўқувчиларни... Қизиқ...

Эртасига апила-тапила нонушта қилдим-у, айтган вақтига етиб бордим.

рибди. Аввалига, "устознинг бизга меҳри товланаяпти-да" деб ўйладим. Шу пайт бир воқеани эсладим-у, нафасим ичimgа тушиб кетди. Иштаҳам ўлди. Апила-тапила қўлимни артдим.

– Ҳа, нима бўлди, – деди Темура ака, – янгангнинг оши ўқитувчиларникига ўхшамаяптими?

Бу гапдан кейин мен бутунлай тамом бўлдим. Шерикларим ҳам безовта-ланиб қолишди. Эртага

2 ойга пахта теримига сафарбар этиларди. Бир кун эрта тонгдан ёлғир ёға бошлади. Теримга чиқишнинг иложи йўқ. Табиийки, тушлик ҳам, кечки овқат ҳам беришмади. Эртасига ҳам шу аҳвол. Ёлғир тинай демайди. Учинчи кун ҳаво совиб, ёлғир қорға айланди. Тишга босадиган ҳеч вақо қолмаган.

Эрталаб "кўрпа-тўшакни йиғиштириб, тайёр бўлиб туришлар, автобус келиши билан уйга кетамиз", деган кўрсатма бўлди. Кечки пайт куруқ похол устида ҳам очилиб, ҳам совуқдан жунжикиб ётганимизда, кимдир "ўқитувчилар ичкилик-бозлик қилишиб, ош дамлашаётган экан" деб қолди.

– Тешиб чиқсин, – тўнғиллади Муродхўжа. Тилаган қаддини ростлаб ўтирди-да:

– Ошга бизнинг ҳам на-сизамиз қўшилган бўлса не ажаб, – деди. – Сендан кутса бўлади, – деб қўйди Мирҳабиб.

Хуллас, тўртовлон Тилагнинг режасини амалга ошириб, ўқитувчиларнинг ошчини қозон-позони билан ўғирлаб, саккиз-ўн бола ўтган кунлардаги очликнинг хиссасини чиқарди. Тўс-тўполон пайтида Темура ака ётоғимизга келиб, ошни кимлар ўғирлаганини биламан деди. Биз "бўйсангиз, ўша кўнғизмўйлов директорингизга айта қолинг" деб рўйхуш бермадик. Негадир у қозонни ёпиқлигича қолдирди.

Ушанда устозларнинг ошчини ўғирлаб, тўғри қилганимизни ёки бу ахлоқсизлик бўлганини, ҳозир ҳам бир нарсга деёлмайман. Бундан тўрт-беш йил илгари Темура акани сўнгги маънафига қўзатиб келиб, у кишининг эшикларида боз эгиб ўтирганимизда ош ҳам, ошлар ҳам яна бир бор қўз олдидан ўтди. Ҳам устозимиз, ҳам дўсти-мизнинг охиратлари обод бўлсин...

Самад ЙЎЛДОШ.

Шеърят**ШОИР БЎЛИБ
СЕВАМАН**

Ватаним, суварингни
Чизмоқ бўлдим осмонга.
Рассом чиқмади мендан,
Чумдим чексиз армонга.

Дийрим, жамолнинг
Қуилсам, дедим қониб.
Ҳофиз бўлолмадим мен,
Кетдим армонда ёниб.

Юртим, сенга басталаб
Куй ижод этар бўлдим.
Тополмадим элини,
Яна армонга тўлдим.

Жон элим, тўйларингда
Айтсам, дедим достонлар.
Бахшилик қилмай насиб,
Дилни ёқди армонлар.

Энди санъатларни мен
Останангга тизгундир.
Сени қўйлаб навода,
Шеърда расминг чизгундир.

Шукур, собит шеърят,
Армонларим қуваман.
Сени, Ватан-оножон,
Шоир бўлиб севаман!

Тарих саҳифасини вароқла секин,
Акс садо беради асллар саси.
Унда бир коса бор тубсиз ва метин
Менинг ўзбегимнинг сабр косаси.

Минглаб босқинчилар синдирилмаган,
Минглаб эллар аро йўқ андозаси.
Тошқинда чўкмаган, ўтда ёнмаган
Менинг ўзбегимнинг сабр косаси.

Улновга муҳтожмас сабр аслида,
Юзлаб мезонлар ҳам етмас, чамаси.
Йиллар чанги ичра халқлар васфиди
Менинг ўзбегимнинг сабр косаси.

Не зотлар устидан ўтдилар туртиб,
Кимнинг тиги синди, кимнинг хассаси.
У эса юксалди тоғ мисол бўртиб,
Менинг ўзбегимнинг сабр косаси.

Еғий хуруж қилди тақдор ва тақдор,
Тудди-ку уларнинг хўп жазапаси.
Минг бора тўлса ҳам тошмади бир бор
Менинг ўзбегимнинг сабр косаси.

Андишанинг отин кўрқоқ атам,
Рост гап шу, мақолнинг дури, тозаси.
Қўлаб жаҳонгирга бўлган хотима
Менинг ўзбегимнинг сабр косаси.

Сўзим кимга ёқар, кимларга ёқмас,
Лекин ҳақиқатнинг ўлмас сазаси.
Тоабд енгилмас, буқилмас, чўкмас
Менинг ўзбегимнинг сабр косаси!

Нурали ЖАЛИЛ,
Бекобод тумани.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси томонидан 2009 йил 12 июнь соат 18.00 да очик тендер ўтказилади.

**1. Битта пакет билан:**

BX-448 й.т. "Чилонзор буюм бозори – Келес шаҳри"
BX-473 й.т. "Дўстлик маҳалласи – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
BX-466 й.т. "Абдурахмонов ф/у. – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
BX-482 й.т. "Келес шаҳри – Чорсу бозори – Беруний АШБ"
BX-484 й.т. "Ғ. Умаров маҳалласи – Чорсу бозори – Беруний АШБ"

2. Битта пакет билан:

BX-428 "Пискент АШБ – Қўйлик МЗ АШБ"
BX-392 "Муротали қишлоғи – Пискент АШБ – Қўйлик АШБ"

3. Битта пакет билан:

BX-504 й.т. "Чирчиқ АББ – Фазалкент АШБ"
BX-509 а й.т. "Чирчиқ АББ – Машинасозлар АШБ"
BX-524 й.т. "Чирчиқ АББ – Қибрай АШБ" (Чирчиқ томондан)
BX-527 й.т. "Чирчиқ АББ – Қўйлик АШБ"
BX-519 й.т. "Чирчиқ АББ – Чинобод қишлоғи"
BX-509 й.т. "Чирчиқ АББ – ТТЗ (Белоножко АШБ)"
BX-345 й.т. "Тўйтепа АББ – Қулчук қўрғони"

ва шаҳарларо (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунува қўчаси, 4/68-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент виллоят ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРА ТГРФ ЎзПСБ)нинг Тошкент

шаҳридаги минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг бон ойлик иш ҳақининг 2 ба-робари миқдорда пул ўтказиб, 2009 йил 7 июнча буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарларо (виллоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси тендер тақлифларини 2009 йил 11 июнь соат 17.00 га қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр қўчаси, 17-уй. Виллоят ҳокимлигининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Утеранные банковские квитанции бланков строгой отчетности формы № 0402005 от 20.02.09г., выданных Юнусовским энерго-бытом № квитанции 4749541, 4749549 в количестве 2 шт., **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.**

Частное предприятие "KARVON YO'L" сообщает об изменении юридического статуса и названия предприятия на общество с ограниченной ответственностью "RAZACHAN" (ИНН 202933747).

Тошкент виллоят Давлат солиқ бошқармаси, виллоятнинг туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларининг вакант лавозимларига Тошкент шаҳри ва Тошкент виллоятда яшовчи (расмий рўйхатда турувчи) олий маълумотли, иқтисодчи, ҳуқуқшунос, молия, солиқ соҳасидаги мутахассисларни танлов асосида ишга қабул қилади. Мурожаат учун телефонлар: 150-49-72, 150-49-86. ДСБ кадрлар бўлими.

Янгийул тиббий коллеж томонидан 1995 йилда Хисомиддинова Наргиса Камалидиновна номига берилган № 066493 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота туманидаги 14-мактаб томонидан 2008 йилда Рашидова Дилдора Абдурашул қизи номига берилган № 0914384 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бўқа туманидаги 22-урта умумий таълим мактаби томонидан 2003 йилда Амиров Улуғбек Ханазарович номига берилган О'РА № 1433345 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чилонзор тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган «SCOOTER SHOES» хусусий корхонасига тегишли бўлган бир дон думалоқ муҳр ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Молия институти томонидан 2008 йил 20 июнда Уктамов Султонали Шералиевич номига берилган В № 368467 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги 42-мактаб томонидан 2005 йилда Акрамова Умиди Саидарслановна номига берилган У № 1522806 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный дубликат аттестата о среднем образовании № 0509222 от 14 апреля 2009 г., выданный школой № 140 М. Улугбекского района г. Ташкента на имя Каримовой Дилором Олимовны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент виллоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси қўмида иш бошқарувчиси Мелибой Алимович Шукрбоевга рақамли

МАВЛУДА РАХМАНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03,
236-53-54.

Манзилимиз:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
қўчаси, 32.

Тошкент виллоят

Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти
компьютер марказида терилди ва
сахифаланди.

• Эълон ва билди-
рувлардаги факт
ҳамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бер-
увчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-440.

Адади 8441.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ.

Беллиги материаллар – тижорат материаллари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳасасида босилди.

Қорхона манзили: "Буюк Тўрқон" қўчаси, 41-уй.

Нашр қўрсаткичи – 205.

Босишга таъшириш вақти – 20.00.

Босишга таъширилди – 20.40.

1 2 5 6 7 8